

УДК 624.04

Калонов Ботир Қобил ўғли

Талаба

Жizzах политеника институти

Саримсоқов Сардор Шойзақович

Ассистент,

Жizzах политеника институти

Досалиев Канат Серикұли,

PhD, доцент,

Жанубий Қозогистон университети. М. Ауэзов,

ШАҲАРСОЗЛИКДА ШОВҚИНГА ҚАРШИ АРХИТЕКТУРАВИЙ ТАРХИЙ УСЛУБЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада Шаҳар қурилиши лойиҳасининг барча босқичларида яшаш массивлари ва яшаш биноларини шовқиндан ҳимоя қилишининг чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлари: Шаҳар, яшаш массивлари, шовқиндан ҳимоя, коммуникациялари, саноат райони, ҳисобий нуқта, меъёрий акустик.

Kalonav Botir Qobil ogli

Student

Jizzakh Polytechnic Institute

Sarimsoqov Sardor Shoizaqovich

Assistant,

Jizzakh Polytechnic Institute

Dosaliyev Kanat Serikuli,

PhD, Associate Professor,

South Kazakhstan University named after M. Auezov,

ARCHITECTURAL HISTORICAL STYLES AGAINST NOISE IN THE CITY

Abstract: This article describes measures to protect residential areas and residential buildings from noise at all stages of the city construction project.

Key words: City, residential areas, noise protection, communications, industrial district, reference point, normative acoustics.

Шаҳар қурилиши лойиҳасининг барча босқичларида яшаш массивлари ва яшаш биноларини шовқиндан ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари кўрилган бўлиши лозим. Демак, шаҳарнинг бош тарҳи лойиҳасининг бошланғич босқичида ва келажакдаги ривожланишини эътиборга олган ҳолда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: аэропорт транспорт коммуникациялари; яшаш массивларини жойлаштириш; кўкаламзор ва ободонлаштириш; келажакда қурилиши кўзланган майдонлар; саноат корхоналари; маъмурий ва майший хизмат кўрсатиш биноларини жойлаштириш; жамоат ва дам олиш - истироҳат боғларини яратиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Буларнинг барчасини шаҳар қурилишида шундай табиий жойлаштириш лозимки, улар ўзининг таркибий груҳи, мақсадга мувофиқлиги, ҳажмий ва тарҳий ечимлари, бадиий-архитектуравий услублари билан шаҳарни шовқиндан самарали ҳимоя қилиш билан биргаликда меъёрий акустик мухит яратиш учун хизмат қилсин.

Бунинг учун шаҳар ва яшаш массивларини лойиҳа қилишда ишлатилиши ва мақсадга мувофиқлиги бўйича майдонларга ажратиб, чегаралаб чиқиш лозим: Масалан: яшаш массиви, саноат райони, майший-хизмат майдонлари ва ташқи транспорт.

Буларнинг ҳар бирида рухсат этилган шовқин сатҳи турличадир. Шу сабабли катта транспорт оқимиға эга магистрал кўчалар яшаш

массивларини кесиб ўтмаслиги керак. Шаҳарларда транзит юк поездларини тўхтовсиз ўtkазиб юбориш учун айланма темир йўллар кўзда тутилган бўлиши лозим.


Янги темир йўл ва темир йўл бекатлари билан яшаш массивларини ҳимоя полосаси билан ажратиш керак. Масалан, биринчи ва иккинчи категорияли темир йўллар учун ҳимоя полосасини эни 200 метр, III ва IV категория учун 150 м ва бошқа темир йўлларда 100 м дан кам бўлмаслиги керак. Бу масофа четки темир йўл ўқидан бошлаб ҳисобланади.

Агар акустик ҳисоблар натижасида асослаган бўлса, бу масофа 50 метрдан кам бўлмаслигига рухсат этилади.

Шовқиндан ҳимоя тадбирлари кўрилмаган яшаш массивларидан тезкор магистрал кўчанинг четигача бўлган масофа 100 м дан, шаҳарлараро магистрал кўчаларда 75 м дан, туманлараро магистрал кўчаларда 50 м дан ва бошқа кўчаларда 25 м.дан кам бўлмаслиги керак. Бошқа ҳолатлар учун бу масофа тегишли равишда асосланган бўлиши лозим.

Экранлар ёрдамида шовқин сатҳи пасайишининг аниқ ҳисоби мураккаб бўлганлиги сабабли, амалий услуб ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳисоб қўйидаги тартибда бажарилади.

Маълум масштабда шовқин манбаи жойлашган майдоннинг тарҳи ва кўндаланг қирқими чизилади. Шу чизмага экран ва шовқин аниқланаётган ҳисобий нуқта ҳам чизилади. Бу схема 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Экранлар ёрдамида товуш сатхининг пасайишини аниқлаш учун ҳисобий схемалар:

а - девор; б - девор ва бино; в - ғаром (тупроқ уюми); г - ўра (ариқ); ШМ - шовқин манбаи; $\chi\text{Н}$ - ҳисобий нуқта; $h_{\text{эф}}$ - экраннинг самарали баландлиги.

Шовқин манбаи энг четки транспорт ҳаракати полосасида бўлиб, кўча сатҳидан 1 м баландда жойлашган деб олинади. 1-расмга асосан а, в ва с масофалар аниқланади. Бунда $d = (a+v)-c$. 29-иловадан δ га боғлиқ ҳолда экранда товуш сатхининг пасайиши $L_{\text{Аэкр}}$ аниқланади.

Қабул қилинган экран узунлигига боғлиқ ҳолда шу расмдан α_1 ва α_2 бурчак аниқланиб, товуш сатхининг пасайиши $\Delta L_{\text{Аэкра1}}$ ва $\Delta L_{\text{Аэкра2}}$ лар 30-иловадан қабул қилинади. 31-иловадан $\Delta L_{\text{Аэкра1}}$ ва $\Delta L_{\text{Аэкра2}}$ катталикларни фарқига асосланган ҳолда тузатиш қабул қилинади. Бу тузатиш кўрсаткичи кичик бўлган товуш сатхига қўшилади.

$$\Delta L_{\text{Аэкр}} = \Delta L_{\text{Аэкр}} \alpha_1 + \Lambda, \quad (1)$$

бу ерда $\Delta L_{A_{экр}}$ - экран конструкцияси билан ҳисобий нүктада товуш сатхи пасайишининг самарадорлигини кўрсатади.

Ҳисобий нүкта учун экран сифатида қабул қилинган бинода шовқин сатҳининг самарали пасайишини аниқланг. Ҳисобий нүкта бино ортида жойлашган бўлиб, бу схема 1-расмда кўрсатилган. расмдан a , b ва c масофаларини аниқлаймиз. $a=53$ м; $b=48$ м ва $c=61$ м; бундан $d = (53+48)-61 = 40$ м.

30-иловадан $L'_{A_{экр}} = 24$ дБА, бунда $d>6$ учун энг катта кўрсаткич қабул қилинади. $\alpha_1=45^0$ ва $\alpha_2=65^0$

$$\Delta L_{A_{экр}} \alpha_2 - \Delta L_{A_{экр}} \alpha_1 = 8,2-3,5 = 4,7 \text{ дБА.}$$

31-иловадаги жадвалдан тузатма $L = 1,7$ дБА эканлигини аниқлаймиз. Экран самарадорлигини аниқлаймиз.

$$\Delta L_{A_{экр}} = \Delta L_{A_{экр}} \alpha_1 + L = 3,5+1,7 = 5,2 \text{ дБА.}$$

Демак, ҳисобий нүктада шовқин сатхи 5,2 дБА га пасаяр экан.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

4. Шукуров F.Ш., Бобоев С.М., Кўчкоров Р.А. Архитектура физикаси. II-қисм. “Архитектура акустикаси”. Тошкент, 2004 йил.
5. Шукуров F.Ш., Бобоев С.М. Архитектура физикаси. I-қисм. Курилиш иssiқлик физикаси. Тошкент “Мехнат” – 2005 йил.
6. Асатов, Н. А., & Саримсоков, С. Ш. (2022). ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ДИНАМИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ ВИСЯЧИХ СИСТЕМ. Евразийский журнал академических исследований, 2(3), 232-237.
7. Sarimsoqov, S. S. (2022). Armaturalangan ikki qiyali yog ‘och to ‘sinni loyihalash. Science and Education, 3(2), 175-183.

8. Саримсоков, С. Ш., & Норматова, Н. А. (2023). САНОАТ КОРХОНАДАРИНИ ШАХАР ТАРКИБИДА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ.